

Pedagogical competencies of teaching physical education and sports to students of medical education

Sobitali YULDOSHEV¹

Fergana Branch of Uzbek State University of Physical Education and Sports

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2024
Received in revised form
15 July 2024
Accepted 25 July 2024
Available online
15 August 2024

Keywords:

pedagogical design,
moral development,
pedagogical management,
model,
competence,
character,
thinking,
model,
health,
research,
creative activity.

ABSTRACT

The article examines the pedagogical competencies of teaching physical education and sports science in medical education, the need to study the scientific and theoretical foundations of didactic educational technologies, and their application in the educational process.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss7/S-pp31-36>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Тиббий таълим талабаларига жисмоний тарбия ва спорт фанини ўқитишнинг педагогик компетенциялари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

педагогик дизайн,
ахлоқий ривожланиш,
педагогик менежмент,
модел,
компетенция,
характер,
тафаккур,
модел,
саломатлик,
тадқиқот,
валеологик фаолият.

Ушбу мақолада тиббий таълимда жисмоний тарбия ва спорт фанини ўқитишнинг педагогик компетенциялари ҳақида фикр юритилиб, дидактик таълим технологияларнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш ва уларни ўқитиш жараёнларига тадбиқ этиш зарурияти ҳақида фикр юритилган.

¹ Teacher, Fergana Branch of Uzbek State University of Physical Education and Sports.

Педагогические компетенции в преподавании физической культуры и спорта студентам медицинских вузов

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

педагогическое проектирование, нравственное развитие, педагогический менеджмент, модель, компетентность, характер, мышление, модель, здоровье, исследование, творческая деятельность.

В статье рассматриваются педагогические компетенции преподавания физической культуры и спортивной науки в медицинском образовании, необходимость изучения научно-теоретических основ дидактических образовательных технологий и применения их в учебном процессе.

КИРИШ

Бугунги кунда олий тиббий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт фанини самарали ўқитиш учун технология, ахборот, компьютер, мультимедиа, интернет, масофали ўқитиш, ягона ахборот муҳити ва шунга ўхшаш ахборот-коммуникацион технологияларнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш ўзининг самарасини бериши билан биргаликда талабаларни валеологик фикрлашга, уларни муаммони таҳлил қилиш ва шу асосида ҳулоса қилишга ўргатадиган технологияларни қўллаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда дидактик таълим технологияларнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш ва уларни жисмоний тарбия ва спорт фанини ўқитиш жараёнларига тадбиқ этиш зарурияти долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Тиббий таълим талабаларга билим беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, услубий талабларига кўра фан, техника ва илғор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш бугунги олий тиббий таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Дидактик таълим технологиялари таълим жараёнида талабаларда билимга иштиёқ ва қизиқишларини ошириш, билимларни мустаҳкам ўзлаштириш, улардан амалиётда эркин фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришларига ёрдам беради ва юқори самарадорликка эришишга олиб келади, яъни жисмоний тарбия ва спорт фанини ўқитишда таълим технологияларини ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Тиббий таълим жараёнида жисмоний тарбия ва спорт фанини ўқитишда талабаларни валеологик компетентликка эга шахс этиб тайёрлашда ривожлантирувчи методикаларни қўллаш мумкин. Масалан, жисмоний тарбия ва спорт га оид ностандарт муаммоларни ҳал қилади, уларни таҳлил қилади ва бу орқали талаба баъзи янги ечим усулларни эслаб қолади ва қўллайди.

Маълумки, бўлажак шифокорнинг валеологик компетентлиги учун янги йўналишларни шакллантириш, уларнинг дидактик имкониятларини ўрганиш – тиббий таълим тизимида учинчи авлод стандартларига ўтиш ва ўқитишнинг умумий методологияси, ўзига хос услуб ҳамда техникасини ҳам қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, спортни тиббиётнинг турли йўналишларидаги интеграцион жараёнлар илмий-интенсив технологияларнинг ривожланиши билан биргаликда ривожлантирмоқда.

Олий тиббий таълимнинг ҳамма босқичларида ва ижтимоий тараққиётнинг барча соҳаларида ахборот ҳамда билимнинг ўрни ошиб бормоқда. Ахборот жамиятида билим, малака инсон ҳаётидаги устувор қадриятларга айланиб бормоқда. Охирги йилларда спорт олий таълим муассасалари талабаларининг интеллектуал, ахлоқий ривожланишини рағбатлантирадиган, унинг потенциал имкониятларини фаоллаштирадиган ҳамда танқидий фикрлашни шакллантирадиган таълимнинг бу турига йўналиш тобора кенг тарқалмоқда. Ушбу турдаги машғулотлар доирасида талаба ўзини ўқув-билиш фаолиятининг фаол субъекти сифатида намоён этади.

Жисмоний тарбия ва спорт фанида ишлаб чиқилган лойиҳа парадигмаси доирасида ўқув жараёнининг турли лойиҳаларини яратиш билан боғлиқ бўлган педагогик дизайнни ажратиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тиббий таълим йўналиши талабаларига жисмоний тарбия ва спорт фанини ўқитиш мобайнида уларнинг валеологик компетентлигини ривожлантириш дидактик моделининг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиб ўтамыз.

Дидактик модел валеологик ақлий ҳаракатларнинг босқичма-босқич ривожланиш назарияси ҳамда муаммоли таълим назариясига асосланган бўлиб, у ўз навбатида 2 муҳим мақсадни ўз ичига олади:

Биринчиси, жисмоний тарбия ва спорт фанини ўрганишда талабаларнинг билимларни ўзлаштириш жараёнини онгли равишда валеологик бошқаришга йўналтириб, эътиборини тафаккур ҳамда ақл маданиятининг фаол, мустақил ривожланишига қаратади.

Иккинчиси, валеологик фикрлашга, ўз-ўзини ривожлантиришга ундайди, чунки талабанинг ўзи муаммони ўзи ҳал этиши, янги ҳаракат усулини топиши лозим. Бу назарияга асосланиб, талабалар билим фаолиятининг эвристик ҳамда валеологик даражасига қаратилади.

Мисол учун, талаба **“Жисмоний тарбия ва спорт фанининг шаклланиши ва ривожланиши” мавзусини** ўрганишининг турли босқичларида қуйидаги функцияларни бажаради. Аввалига у асосий тушунчаларнинг контурларини белгилашга ҳамда уларнинг иерархияси, дидактик алоқаларини аниқлашга ёрдам беради. Кейин у муҳим алоқаларни янада тўлиқроқ ифодалашга, талабаларнинг валеологик фаоллигини такомиллаштиришнинг педагогик шартларини очиб беришга, унинг элементлари ҳамда ўзаро таъсирининг хусусиятини ёритиб беришга имконият беради.

Ушбу дидактик модел ўқув жараёнида талабаларнинг валеологик компетентлигини ривожлантиришнинг объектив зарурати ҳисобланиб уни назарий, услубий жиҳатдан самарали амалга ошириш учун педагогик шарт-шароитларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги ўртасидаги зиддиятларнинг олдини олишга ёрдам беради [1].

Бундай шаклдаги дидактик модел тузилишидан мақсад – талабаларнинг ўқув жараёнида валеологик фаоллигини ривожлантириш шarti сифатида алоҳида ажратилиб кўрсатилади. Талабаларнинг валеологик фаоллигини ривожлантириш

мақсадини очиб берганда, биз унинг асосий хусусиятларидан келиб чиқиб, ишга ёндашамиз. Психологик ҳамда педагогик нуқтаи назардан, мақсад фақат мантикий эмас, балки янги босқичлар, механизмларни когнитив жараёнга киритишга асосланган таълим мазмунини ассимиляция қилиш жараёнини ташкил этишнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Бунда тиббий таълим талабаларининг валеологик салоҳиятини ривожлантиришга, ҳар бир талабанинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга мақсадли таъсир этилиб, асосий дидактик мақсад – ўқув жараёнида талабанинг валеологик қобилиятини ривожлантириш учун услубий тизим яратиш орқали спорт тизимининг долзарб муаммоларини ҳал этишга кўмаклашади, яъни талаба жисмоний тарбия ва спорт фанини ўрганиш орқали келажақда ушбу тизимнинг камчиликлари ва ютуқларини таҳлил қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жисмоний тарбия ва спорт фанини ўқитишда қуйидаги дидактик вазифаларни белгилаб олдик:

- талабаларнинг рефлексив валеологик фаолият усуллари ҳамда техникаси билан қуроллантириш;
- талабаларнинг валеологик тафаккурини ривожлантириш;
- талабаларнинг когнитив фаоллигини рағбатлантириш;
- янги билимларни ўзлаштирган талабалар ҳамда уларни валеологик қўллаш [2].

НАТИЖАЛАР

Жисмоний тарбия ва спорт фанини тиббий таълим талабаларига ўргатиш давомида уларнинг валеологик фаолиятига алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади.

Валеологик компетентлик таркибидаги когнитив компонент фаолиятда, замонавий таълим жараёни контекстида унинг ҳар хил кўринишларида намоён бўлади. Ушбу компонент қуйидаги билимларни ўз таркибига олади:

- назарий, шу жумладан, валеологик фаолиятни амалга ошириш шакллари, тамойиллари, мақсадлари, мазмуни, усуллари ҳамда шакллари ҳақидаги билимлар;
- валеологик фаолиятнинг моҳиятини билишни методологик, одамнинг атрофидаги дунё билан муносабатларини ўз ичига олган усулларида биридир;
- технологик, ривожланаётган ўқув технологиялари ҳамда уларни амалга ошириш ҳақидаги билимларга асосланган [3].

Когнитив компонентни валеологик фаолият таркибидаги таҳлили билим, кўникма ҳамда уларни шаклланишининг мезон кўрсаткичи сифатида ажратишга имконият беради.

Хулқ-атвор компоненти спорт йўналиши талабаларивалеологик компетентлигининг амалий ҳамда самарали томонини тавсифлайди. Бу талабаларнинг таълим, касбий фаолиятда ўзини ўзи аниқлаши ҳамда ўзини намоён қилишига қаратилган ҳамда бўлажак ўқитувчининг касбда ўзини намоён этиши ҳамда ўзини ўзи белгилаши, шунингдек, профессионал ҳаракатнинг характерини, ҳамда талабанинг ҳаётий нуқтаи назарини белгилаб беради [4].

Дидактик модел валеологик компетентликни ривожлантиришнинг қуйидаги функционал компонентларини ўз таркибига олади: конструктив, гностик, дизайн, ташкилий ҳамда валеологик.

Жисмоний тарбия ва спорт фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг фаол когнитив фаолияти жараёнида валеологик компетентлиги шакллантирилиши лозим бўлган ҳар бир компонент учун зарур бўлган кўникмаларни ажратиб ўтамиз:

1) ўз-ўзини тарбиялаш орқали жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги билимларини тўлдириш, чуқурлаштириш ҳамда ривожлантириш;

2) асосий мақсадни аниқлаб, матндаги асосий муаммоларни сарлавҳа бўйича ажратиб кўрсатиш;

3) жисмоний тарбия ва спорт фанини мукамал билиши ҳамда уларни умумий касбий тайёргарлиги билан боғлай олиши;

4) матндаги таниш калит сўзлар, таниб олиш ҳамда ибораларни ажратиб кўрсатиш, улардан матннинг асосий мазмунини аниқлаш ёки фойдали маълумотларни ажратиб кўрсатиш учун фойдаланиш;

5) матннинг мазмуни ҳамда у билан боғлиқ саволларни тузиш;

6) мавзу бўйича материалларни танлаш, тизимлаштириш ҳамда унинг асосида элементар тадқиқотларни ўтказиш.

Конструктив компонент қуйидаги кўникмаларни ўз таркибига олади:

1) жисмоний тарбия ва спорт га оид режа тузиш, унинг асосида мантиқан тўлиқ маъруза тузиш;

2) мавзулар учун калит сўзларни, ибораларни ажратиб кўрсатиш, сўзни шу билан бирга жумлаларни, хатларни тўғри тузиш;

3) мавзуларни мантиқий қисмларга ажратиш, ҳар бирининг асосий фикрини аниқлаш;

4) жисмоний тарбия ва спорт оид билимлар асосида тақдим этилган материални тайёрлаш ҳамда умумлаштириш [4].

МУХОКАМА

Ўсиб келаётган, ёш авлод учун керакли валеологик тажрибани ўзлаштириш, нафақат бошқа инсонлар билан бевосита ўзаро боғланиш жараёнларида балки касбий фаолиятни самарали ташкил қилиш учун ҳам зарур. Ҳар бир инсон ўзи учун керакли бўлган вазиятлар характери ҳақидаги маълумотларни олиш учун зарур бўлган воситалар: ижтимоий жараёнлар, омавий ахборот воситалари, турли ҳил мутахассислик доирасидаги адабиётлардан ташкил топиши мумкин.

Валеологик компетентлиликка мурожаат қилар эканмиз, таъкидлаш жоизки, у ўз ривожланишида қандайдир динамик таълим сифатида икки босқичдан ўтади, яъни юқорида айтиб ўтилган, шахс ривожланишининг маълум босқичидан бирга мавжуд бўлувчи, шунингдек, даражадан даражага ривожлана оладиган касбий ва умумий компетенциялар.

Бу коммуникация тилини тартибсиз, стихияли ўзлаштириш, ҳамда таълим олиш воситасида содир бўлади. Бунда агар гап касб ҳақида борса, унда жисмоний тарбия ва спорт фанини ўқитиш билан боғлиқ бўлса ва маълум шартлар бажарилса, самаралироқ бўлади.

Талабаларда валеологик компетенцияни жисмоний тарбия ва спорт фани орқали шакллантиришда қуйидаги дидактик хусусиятларни инобатга олиш зарур:

- нутқий;
- саводли тарзда муносабатга киришиш;
- қўллаб – қувватлаш;
- ўз стратегиясига эга бўлиш;
- вазиятини ҳисобга олиш;

- натижасини олдиндан прогноз қилиш;
- суҳбат давомида қайта алоқани йўлга қўйиш;
- ташаббусни қўлга олиш ва қўллаб-қувватлаш;
- кутилган натижага эришиш учун имконият яратиш;
- билдирилаётган фикрларни тасдиқлаш;
- ўз фикрини изчил ва равион баён қилиш.

Шундай қилиб, талаба ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатларнинг жадаллашган шароитларида валеологик компетентлиликнинг юқори даражаси, бўлажак шифокорлардан тайёргарлиги ва ҳимояланиш даражаси яхшироқ бўлган мутахассисни тайёрлаши мумкин. Бунда бўлажак шифокорларнинг валеологик компетентлигининг энг муҳим тарафи айнан инсонлар билан ишлаш бўлиши керак. Бироқ, муносабатнинг барча шакллари юқори даражада эгаллаши ва мос равишда гуруҳдошлари билан ишни тўғри ташкил қилиш учун, спорт йўналиши талабаларияйниқса топқирлик, ҳозиржавоблик, уддабуронлик, ўзига бўлган ишонч, нотиклик қобилиятини эгаллаган бўлиши керак.

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт фанида қўлланиладиган дидактик технологиялар тиббий таълимда қўлланиладиган анъаналарни янада ривожлантириб, ушбу соҳада жуда кенг қўлланилмоқда. Бундай ўқитиш ўқитувчининг билим бериш жараёнидаги ролини янада кенгайтиради ва янгилайди. Бунда жисмоний тарбия ва спорт фани ўқитувчиси ўзлаштириш жараёнини мувофиқлаштириши, янгиликлар ва инновацияларга мос равишда ўқитаётган фанини мунтазам мукаммаллаштириши, савия ва валеологик фаолиятини янада чуқурлаштириши талаб этилади. Бунда ўқув материаллари ва мазмунини ҳар бир талабанинг шахсий хусусиятлари ва қобилиятларига қараб мослаштириш имкониятига эга бўлади. Бу албатта, таълим самарадорлигини ошишига олиб келади. Шу сабабли, жисмоний тарбия ва спорт фанини ўқитиш педагогиканинг асосий характеристикасида ҳам ўз ўрнини топган, яъни коммуникатив таркибий қисм ва унинг амалга оширилиши, ўқув материалларини етказиш, унинг таркибини тўғри танлаш ва асослаш, ўқув мазмунини талабанинг шахсий хусусиятлари ва қобилиятларига мослашувчанлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Kushner H, Leighton L. Humanities in the Twenty-First Century. – London: Palgrave Macmillan; 2018. -p.76.
2. Caramiciu J, Arcella D, Desai MS. History of medicine in medical school curricula // Anesthesia history, 2015. №1 (4). – P.42
3. Komilov N. Role of historical factors of history of medicines pedagogy / International scientific conference innovative trends in science, practice and education. №3, 2024. -P.95-98
4. Komilov N. Analysis of the main aspects of increasing the exclusive competence of students through teaching the history of medicine / Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. №2, 2024. -P.18-20.